



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG I

20 16 йил 2.2 " 0.3

№ 1140

Toshkent sh.

Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ИҚ-1652-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 319-сонли ва 2016 йил 21 январдаги "Шифокорларни мунтазам аттестациядан ўтказиш тизимини шакллантириш ва олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 14-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларини ўзлаштириш, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини мунтазам ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ малака оширишнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва узлуксиз таълим асосида фуқароларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида

БУЙУРАМАИ:

1. Қуйидагилар олий тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, касбий таълим узлуксизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар, олий тиббиёт ва фармацевтик ходимларининг касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунийлик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўзларининг асосий мутахассислиги бўйича инновациялар, шунингдек аҳолига тиббий ёрдамни ланкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнги ютуқларини чуқур ўрганиш;

юқори самарали замонавий тиббиёт ва инновацион технологиялар, илгор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш бўйича модуль тизмида ўқигани бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш;

005093 

соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий малакасини ошириш жараёнига глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини кенг жорий этиш;

тиббиётга оид дунё янгилıklarидан хабардор бўлиш ва касбий маҳорати мутғасил ошириб борилишини таъминлаш учун тиббиёт ходимларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш;

соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш 5 йил давомида 288 соатни ташкил этиши белгиланган қўйилсин.

2. Қуйидагилар:

Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ўқув режасининг янгиланган намунавий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

малака ошириш тартиби 2-иловага мувофиқ;

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркиби 3-иловага мувофиқ;

соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малака ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ;

соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш муассасалари рўйхати ва мазкур муассасаларининг вазифалари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирнинг биринчи ўринбосари (А.А.Худаяров):

Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини “Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малака ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги Низом” асосида ташкил этсин;

1 ой муддатда Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг иш режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланишини таъминласин.

4. Фан ва ўқув юртлири бош бошқармаси, Тиббий таълимни ривожлантириш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, тиббиёт олий таълим муассасалари ва филиаллари, илмий-текшириш институтилари, ихтисослаштирилган марказлар, ҳамда илмий-амалий марказлар раҳбарлари:

етақчи профессор-ўқитувчилар ва юқори малакали мутахассислар (тренерлар) ҳамда замонавий клиник моддий-техник базага эга, зарур ўқув-услубий ва ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги етакчи тиббиёт олий таълим ва даволаш-профилактика муассасаларини малака ошириш жараёнига жалб этсин

ва республика бунича малака ошириш жараёнига жалб этилган республика муассасалар рўйхатига асосан малака ошириш жараёнини ташкиллаштириш:

мавзули малака ошириш жараёнига жалб этилган республика муассасалари ва малака ошириш жараёнига жалб этилган вилоят муассасалари қонинда раҳбар, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий фаолият юритувчи Марказларни 2016 йилнинг 1 сентябридан ташкил этсин:

марказ фаолиятини сифатли амалга ошириш ва таълим жараёнини юқори савияда ташкил этиш жавобгарлиги шахсан муассасалар раҳбарлари зиммасига юклатилсин, ҳамда ўқув жараёни ва унинг ўқув-услубий таъминоти малака оширишга талабдор курсантларнинг соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган бўғинига мувофиқ (бирламчи тизим, шаҳар, вилоят, республика муассасалари) алоҳида ташкиллаштирилиши белгилаб қўйилсин.

5.Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори (Д.М.Собиров):

соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика кадрлари малакасини ошириш бўйича доимий фаолият юритувчи Марказларда тингловчиларга дарс берувчи тренерлар малакасини ошириш курсларини 2016 йил апрель, май, июнь ойларида ташкил этсин;

тренерларни тайёрлаш бўйича махсус циклар ўқув дастурларини 2016 йил март ойида ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин ҳамда Дастурларга маънавий ва маърифат, педагогика асослари, замонавий педагогик технологиялар ва Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мавзуларни киритсин;

мавзули малака ошириш курсини муваффақиятли ўтаган курсантлар учун бериладиган сертификат намунасини ишлаб чиқсин.

6.Кадрлар билан ишлаш бошқармаси (Т.П.Ҳақимов), Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истикболни аниқлаш Бош бошқармаси (Б.А.Ҳошимов) Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси (Ў.С.Исмоилов) икки ой муддатда мавжуд Тиббиёт ходимлари (врачлар) ва фармацевтика мутахассисликлари лавозимлари номенклатураси ҳамда олинган маълумоти бўйича соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида лавозимларни эгаллашга мослигини кайта кўриб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

7.Кадрлар билан ишлан бошқармаси (Т.П.Ҳақимов), Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси (Ў.С.Исмоилов), Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истикболни аниқлаш Бош бошқармаси (Б.А.Ҳошимов), Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси (Ш.Ю.Нисонов), Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси (М.Ф.Садиқов), Санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси (А.А. Ибодуллоев), Ногиронлар, уруш қатламчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг хожатманд қатламларига тиббий илгъимий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш Бош бошқармаси (Б.Шаранов), Тиббий таълимни ривожлантириш маркази (М.Х.Алимова), Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази

(А.Б.Яркулов) 2 ой муддатда соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларни ҳар 5 йилда фаолият жараёнини олиб бориш ҳуқуқини берувчи аккредитациядан ўтказиш тартиби ва мезонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

8.Кадрлар билан ишлаш бошқармаси (Т.П.Хақимов). Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази (А.Б.Яркулов):

аттестациядан ўтқаниган ҳар бир талабгорнинг умумий ва мавзули малака оширганлиги тўғрисидаги сертификатлари, шунингдек, семинар, конференция, конгресс, съездларда олинган сертификатлари муассаса раҳбарининг тегишли буйруғи мавжуд бўлгандагина инobatга олинсин;

марказларда фаолият юритувчи мавзули малака ошириш цикллари тренерларига дарс ўтган соатлари аттестация жараёнида муассаса раҳбарининг тегишли буйруғи мавжуд бўлган ҳолда инobatга олинсин.

9.Даволаш-профилактика ёрдамиши ташкиллаштириш Бош бошқармаси (Ш.Ю.Нишонов), Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси (М.Ф.Садиқов), Санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси (А.А.Ибодуллаев), Ногиронлар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг хожатманд қатламларига тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш Бош бошқармаси (Б.Х.Шарапов), Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошликлари:

соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика кадрлари малакасини ошириш бўйича доимий фаолият юритувчи Марказлар ташкил этилган муассасалар томонидан жорий йилнинг 20 июлига қадар мавзули малака ошириш йиллик календар-мавзули режаси тузилиши ва Мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этилишини таъминласин;

2016/2017 ўқув йилида умумий ва мавзули малака ошириш циклларига юбориладиган соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг рўйхатини 2016 йилнинг 1 августига қадар Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда тегишли малака ошириш муассасаларига тақдим этиш таъминиралсин.

10.Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истикболни аниқлаш Бош бошқармаси (Б.А.Хонимов), аттестация олди цикллари бўйича малака ошириш муассасалари ва бўлинмалари, мавзули малака ошириш жараёнига жалб этилган республика муассасалари, малака ошириш жараёнларига жалб этилган вилоят муассасалари раҳбарларига:

соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар, тиббиёт ва фармацевтик ходимлар малакасини оширишни ташкил этиш бўйича умумий ва мавзули малака ошириш марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўқув-услубий ва методий-техник базасини янада ривожлаштириш ҳамда мустақамлашга кўмаклашиш;

умумий ва мавзули малака ошириш гуруҳларидаги тингловчилар сонини жарроҳлик гуруҳларида ҳар бир исдағог учун 4-6 курсанг, қолган йўналишларда 8-10 курсангдан иборат қилиб белгилан:

малака ошириш жараёнига жалб этилган республика муассасалари ва филиаллари, малака ошириш жараёнига жалб этилган вилоят муассасалари ходимларининг ўргача ойлик иш ҳақиға қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда 30 фозгача устама ҳақ белгилан масаласини кўриб чиқини топширилсин:

аггестациядан ўта олмаган соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббийёғ ва фармацевтика ходимлари учун такрорий 144 соатли умумий малака ошириш цикллари, шунингдек 108 соатли мавзули малака ошириш цикллари тингловчининг ўз ҳисобидан ўтилиши тартиби белгилансин:

бунда такрорий умумий ва мавзули малака ошириш учун муассаса ҳисобига туширилган маблағларни сарфланиш тартиби ишлаб чиқилсин (маош фонди, ўқув жараёнининг моддий-техник базаси - масофавий ўқитиш даволаш-диагностика асбоб-ускуналари, симуляцион марказлар ташкил қилиш, ўқитиш жараёнини ривожлантириш фонди ва ҳоқ.).

11.Мувофиқлаштирувчи Қенаш, Иқтисодиёт, молиялантириш ва истикболни аниқлаш Бош бошқармаси (Б.А.Ҳошимов), Қадрлар билан ишлаш бошқармаси (Т.Н.Ҳақимов), Фан ва ўқув юрталари Бош бошқармаси (Ў.С.Исмоилов), Назорат инспекцияси (А.А.Агзамов), Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аггестациядан ўтказиш Республика маркази (А.Б.Яркулов), Даволаш-профилактика ёрдамини ташкилчилириш Бош бошқармаси (Ш.Ю.Нисонов), Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси (М.Ф.Садиков), Санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси (А.А.Ибодулласев), Ногирилар, уруш қатнашчилари, фажрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг ҳоқатмайд қатламларига тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкилантириш Бош бошқармаси (Б.Х.Шарапов), Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

1 ой муддатда мазкур буйруқ ижросини таъминлаш буйича чора-тадбирлар режази ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин:

мазкур буйруқнинг барча соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар томонидан чуқур ўрганилиши юзасидан семинарлар ташкил этилиши таъминлансин.

12. Назорат инспекцияси (А.А.Агзамов) режални ва режадан ташқари текширишларида ушбу масала юзасидан назорат ишларини ўтказишнинг таъминласин.

13. Мазкур буйруқнинг ижросини таъминлаш юзасидан назорат вазирининг биринчи ўринбосари А.Ҳудаяров зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Алимов

Соғлиқли сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика
ходимларининг малакасини ошириш ўқув режасининг намунали тузилмаси

№	Малака ошириш шакли	Ўқув машғулоти ва фаолияти тури	Ҳажми, соат
1.	Умумий малака ошириш*	Назарий билимларни ўзлаштириш: маъруза, амалий ва семинар машғулоти, лаборатория ишлари, мастер-класслар; Замонавий диагностик ва даволаш амалий кўникмаларни эгаллаш: виртуал симулятор, тренажер, манекенларда амалий кўникмаларни эгаллаш ва автоматизм даражасига етказиш, етакчи клиник базаларда мутахассис кузатувида стажировка ўтиш, симуляция марказида амалий кўникмаларни эгаллаш; Дистанцион (масофавий) таълим; Муस्ताқил иш.	144
2.	Мавзули малака ошириш**	Назарий билимларни ўзлаштириш: маъруза, амалий ва семинар машғулоти, лаборатория ишлари, мастер-класслар; Замонавий диагностик ва даволаш амалий кўникмаларни эгаллаш: виртуал симулятор, тренажер, манекенларда амалий кўникмаларни эгаллаш ва автоматизм даражасига етказиш, етакчи клиник базаларда мутахассис кузатувида стажировка ўтиш; симуляция марказида амалий кўникмаларни эгаллаш; Дистанцион (масофавий) таълим; Муस्ताқил иш.	108
3.	Анижуманларда катнашиш***	Республика ва халқаро миқёсдаги семинар, конференция, конгресс, съездларда иштирокчи ёки маърузачи сифатида катнашиш.	36
Жами:			288

Изоҳ:

- *Таълим олий ўқув юрти сифатида белгиланган Тошкент тиббиёт академияси қошидаги Тармоқ
маркази ва БИММда малака ошириш курсларини муваффақиятли якунлаб, сертификатга эга бўлган ва
малака тоифасини олишга даъвогар тиббиёт олийгоҳлари раҳбарлари ва педагоглари учун мазкур 288
соатли профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш курси 144 соатли умумий малака ошириш циклига
тенгаштирилади.

- **Мавзули малака ошириш циклида катнашишнинг энг кам ҳажми 108 соат этиб белгиланади.

- ***Анижуманларда катнашишнинг энг кам ҳажми 36 соат этиб белгиланади. Муассаса буйруғи билан
анижуманларда катнашган ва сертификат олган (чет элда олинган сертификат соғлиқли сақлаш Ташқи
иктисодий фаолиятни мувофиқлаштирувчи департамент буйруғи билан анижуманларда катнашган)
ходим учун инобатга олинади.

**Соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарлари, олий тиббиёт ва
фармацевтика ходимларининг малака ошириш тизимини такомиллаштириш
бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги Низом**

Мазкур низом соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар, олий тиббиёт, фармацевтик ходимларнинг малакасини ошириш ва узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тузиш ва унинг ишини ташкил қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малака ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринда – Кенгаш) маслаҳат берувчи ва Мувофиқлаштирувчи ташкилот бўлиб, у соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб вазифаси - тиббий ёрдам сифати ва тиббий кадрлар малакасини ошириш, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш бўйича тиббиёт муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорликни оптималлаштириш, узлуксиз таълим тизимини соғлиқни сақлашни ривожлантириш дастури талабларига мослигини таъминлаш мақсадида тузилган.

2. Кенгаш ўз фаолиятида ЎзР Таълим ҳақидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миаллий дастури, ЎзР Президентининг фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

II. Кенгашнинг вазифалари

3. Кенгашнинг асосий вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланади:

- Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малака ошириш тизимини узлуксизлигини ривожлантириш талабларини шакллантириш ва ташкиллаштириш;
- Узлуксиз малака ошириш таълим тизимини ривожлантириш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- малака ошириш тизимида инновацион таълим технологияларини жорий этиш;
- олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг дипломдан кейинги узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ҳолати, бу борадаги халқаро тажрибани таҳлил қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича давлат дастурининг долзарб масалалари бўйича тавсияномалар тайёрлаш;

- олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг дипломдан кейинги узлуксиз таълимни амалга оширувчи муассасалар фаолиятини таҳлил қилиш;
- малака ошириш дастурларининг натижавийлиги ва самарадорлигини назорат қилиш. мутахассисларнинг малака талаблари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг узлуксиз таълим тизими тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг узлуксиз таълим тизими сифатига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;
- олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг дипломдан кейинги узлуксиз таълимни амалий йўналтирилганлиги ва натижавийлигини таъминлаш бўйича илмий-амалий анжуманлар ва бошқа ташкилий-услубий тадбирларни ташкил қилиш;
- малака ошириш таълим дастурларини соғлиқни сақлаш амалиёти замонвий эҳтиёжлари нуктаи-назаридан қайта кўриб чиқиш. модуль тизимидаги ўқув дастурларини тузиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;
- малака оширишни амалга оширувчи муассасалар томонидан маззули малака ошириш бўйича тақдим этиладиган ўқув-тадбирлари ва ўқув материалларига қўйиладиган талаблар ва уларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- малака ошириш бўйича ўқув материаллари ва тадбирларининг ўрнатилган талабларга мослигини баҳолаш тизимини жорий этиш;
- таълим дастурларини амалга ошириш сифати мониторингини юритиш;
- ихтисослаштириш бўйича кенгашга тақдим этилган ҳужжатларни вазирлик томонидан тасдиқланган асосий ва қўшимча врач мутахассисликлари номенклатурасига мувофиқлигини экспертиза қилиш ва тегишли хулосалар бериш;
- жойларда мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- етишмайдиган мутахассисликлар бўйича буюртмалар "портфелини" тайёрлаш;
- мутахассисликлар бўйича амалга оширилган малака ошириш мониторингини юритиш ва режа тузиш.

III. Кенгашни тузиш

4. Кенгаш таркиби вазирлик, тиббий таълимни ривожлантириш маркази, вазирликнинг ётакчи мутахассислари, тиббиёт ОТМлари кафедра мудирилари, етувчи профессор-ўқитувчилари, монотематик комиссиялар раислари, ихтисослаштирилган марказ ва илмий-тадқиқот институтлари раҳбарият ходимлари, врачлар ассоциациялар раҳбарлари ва тиббиёт соҳасидаги нодавлат ва ношароат ташкилотлари раҳбарларидан иборат қилиб тузилади.
5. Кенгашга соғлиқни сақлаш вазирлиги раислик қилади.
6. Кенгаш тузилмаси схемада келтирилган.

IV. Кенгаш ишини ташкил қилиш

7. Кенгаш ўз фаолиятини кенгаш аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, бамаслаҳат ва ошқоралик тамойиллари асосида амалга оширади.
8. Кенгаш йиғилишлари ҳар чоракда бир мартаба ўтказилади.
9. Аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этганда Кенгаш йиғилиши қонуний ҳисобланади.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тарклиби*

№	ФИШ	Лавозим, илмий унвон
1.	Раис - Алимов А.В.	Соғлиқни сақлаш вазири, т.ф.д., профессор
2.	Исмаилов У.С.	ФваУЮББ бошлиғи
3.	Алимова М.Х.	ТТРМ директори
4.	Муталова З.Ж.	Статистика маркази директори, ССВнинг соғлом турмуш тарзи бўйича бош мутахассиси
5.	Азизова Ф.Х.	ФваУЮББ бош мутахассиси, котиба
Қорақалпоғистон Республикаси ССВ, шаҳар, вилоят ССББ		
6.	Хаджиев Д.Ш.	Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири
7.	Мамаджанов Б.А.	Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи
8.	Ёрқулов К.М.	Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
9.	Амонов И.И.	Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
10.	Зияев О.Х.	Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
11.	Расулов Т.Б.	Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
12.	Усмолов Ф.Р.	Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
13.	Муминов С.Д.	Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
14.	Игамбердиев Б.Н.	Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
15.	Алмарданов Ш.К.	Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
16.	Мавланов Ф.К.	Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
17.	Абдураимов И.И. ввб	Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
18.	Рахимов Х.М. ввб	Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
19.	Гангрибердиев К.Р.	Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
ОТМ, Ихтисослаштирилган марказ, ИТИ раҳбарлари		
20.	Сабиров Д.М.	ТошВМОИ ректори, ССВнинг анестезиология ва реаниматология йўналиши бўйича бош мутахассиси
21.	Юнусходжаев А.Н.	Тошкент фармацевтика институти ректори
22.	Хабиров Н.Л.	ТошДСИ ректори
23.	Садиков А.А.	АндДавТИ ректори
24.	Шамсиев А.М.	СамДавТИ ректори
25.	Каримов Ш.И.	ТТА ректори
26.	Даминов Б.Т.	ТошПТИ ректори
27.	Аскарлов Т.А.	БухДавТИ ректори
28.	Курбанов Р.Д.	“Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази” АЖ директори
29.	Акилов Ф.А.	“Республика ихтисослаштирилган урология маркази” АЖ директори
30.	Сидиков З.У.	“Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази” АЖ директори, ССВнинг офтальмология бўйича бош мутахассиси
31.	Наджмутдинова Д.К.	“Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва

		гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази" АЖ директори, Бош акушер-гинеколог
32.	Аляви А.Л.	"Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази" АЖ директори, Бош терапевт
33.	Сабилов У.Ю.	Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази директори
34.	Парпиева Н.Н.	Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, ССВнинг фтизиатрия йўналиши бўйича бош мутахассиси
35.	Ахмедова Д.И.	Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, Бош педиатр
36.	Исмаилов С.И.	Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, ССВнинг эндокринология йўналиши бўйича бош мутахассиси
37.	Абдушукуров А.А.	Эпидемиология, микробиология, юкумли касалликлар илмий текшириш институти директори
38.	Азизов М.Ж.	Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти директори, ССВнинг травматология ва ортопедия бўйича бош мутахассиси
39.	Саидов А.Б.	Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти директори
40.	Адчлов У.Х.	Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти директори в.в.б.
41.	Мусабаев Э.И.	Вирусология илмий текшириш институти директори
42.	Хаджибаев А.М.	Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази бош директори, ССВнинг шошилич тиббий ёрдам хизмати бўйича бош мутахассиси
43.	Карисев Ғ.М.	Республика нейрохирургия илмий маркази директори, ССВнинг нейрохирургия бўйича бош мутахассиси
44.	Тилляшайхов М.Н.	Республика онкология илмий маркази директори, ССВнинг онкология йўналиши бўйича бош мутахассиси
45.	Алматов Б.И.	Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врач
46.	Мадаминов Марифжон	Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юкумли касалликлар муҳофазаси маркази директори
47.	Искандаров А.И.	Республика суд-тиббий экспертиза Бош бюроси бошлиғи, ССВнинг судга оид тиббий экспертиза бўйича бош мутахассиси
48.	Ғиясова Ғ.М.	ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларни даволаш, парвариш қилиш ва қўллаб қувватлаш масалалари бўйича Марказий Осиё ўқув маркази
49.	Каримов М.Ш.	Миллий олимпия қўмитаси қошидаги "Республика

		спорт тиббиёти илмий-амалий маркази"
		Бош мутахассислар
50.	Акбаров М.М.	Бош хирург
51.	Маматова Т.Ш.	ССВнинг ЛОР-касаликлари бўйича бош мутахассиси
52.	Худойберганов А.С.	ССВнинг диетология бўйича бош мутахассиси
53.	Усмонхўжаева А.А.	ССВнинг спорт тиббиёти бўйича бош мутахассиси
54.	Зуфаров А.К.	ССВнинг гемодиализ хизмати бўйича бош мутахассиси
55.	Казакбаева Х.М.	ССВнинг гематология йўналиши бўйича бош мутахассиси
56.	Чунрова В.А.	ССВнинг трансфузиология йўналиши бўйича бош мутахассиси
57.	Алимов У.Х.	Бош психиатр
58.	Турсунходжаева Л.А.	ССВнинг наркология йўналиши бўйича бош мутахассиси
59.	Мамугов Р.Ш.	ССВнинг кардиология йўналиши бўйича бош мутахассиси
60.	Гафуров Б.Г.	ССВнинг невропатология йўналиши бўйича бош мутахассиси
61.	Махсудов С.Н.	ССВнингстоматология йўналиши бўйича бош мутахассиси
62.	Абидов А.А.	ССВнинг дермато-венерология йўналиши бўйича бош мутахассиси
63.	Умиров И.Т.	ССВнинг патолого-анатомия йўналиши бўйича бош мутахассиси
64.	Махмудова Ш.К.	ССВнинг профпатология йўналиши бўйича бош мутахассиси
65.	Турдиев А.Т.	ССВнингТМЭ бўйича бош мутахассиси
66.	Эшбоев Э.	ССВнинг лепрология йўналиши бўйича бош мутахассиси
67.	Салиходжаева Р.К.	ССВнинг хамширлик иши бўйича бош мутахассиси
68.	Баймухамедов М.В.	ССВнинг ИКТ бўйича бош мутахассиси
69.	Ходмирзаев Ш.	ССВнинг гидрология бўйича бош мутахассиси
70.	Арилов О.А.	Диагностика хизмати бўйича бош мутахассиси
71.	Абдуллаев М.И.	ССВнинг болалар дермато-венерологияси бўйича бош мутахассиси
72.	Салимов Ш.Т.	Болалар бош хирург
73.	Сулаймонова Д.Н.	ССВнингболалар гематологи
74.	Салихова К.Ш.	Бош неонатолог
75.	Алимова Н.У.	Болалар бош эндокринологи
76.	Сағвалдиева Э.А.	Болалар бош анестезиолог-реаниматолог
77.	Шомансуров Ш.Ш.	Болалар бош невропатолог
78.	Шарипова М.К.	Бош генетик
79.	Ходжиёва А.С.	Болалар бош гинеколог
80.	Сулаймонов Ш.Р.	Болалар бош психиатри
81.	Мустафоев Т.К.	Болалар бош онколог
82.	Зарединов Д.О.	Бош радиолог
83.	Салихова Н.С.	Болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича бош мутахассиси
84.	Миришина О.П.	Коммунал гигиена бўйича бош мутахассиси
85.	Тўйчиев Ж.Т.	Мехнат гигиенаси бўйича бош мутахассиси
86.	Шамсутдинова М.А.	Санитария-гигиена лабораторияси хизмати бўйича бош мутахассиси
87.	Шодманова Н.А.	Бош бактериолог
88.	Атабеков Н.С.	Бош эпидемиолог

89.	Мусабоев Э.И.	Бош инфекционист
90.	Ғаниев С.В.	Бош рабиолог
91.	Саримсоқов А.Х.	Бош токсиколог (гигиенист)
92.	Саипов Ф.С.	Бош паразитолог
Монотематик комиссиялар раислари		
93.	Мухамедов И.М.	Микробиология, вирусология ва иммунология, эпидемиология
94.	Шайхова Г.И.	Гигиена, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш
95.	Алияв Б.А.	Ички касалликлар (ички касалликлар пропедевтикаси, факультет терапия, госпитал терапия, гематология, клиник фармакология, клиник алергология)
96.	Каримов Ш.И.	Хирургия (умумий, факультет, госпитал, нейрохирургия, болалар хирургияси, урология)
97.	Ғафур-Ахунوف М.А.	Онкология
98.	Омонов Ш.Э.	Оториноларингология
99.	Баҳритдинова Ф.А.	Офтальмология
100.	Шомансурова Э.О.	Педиатрия (БКП, факультет педиатрия, госпитал педиатрия, амбулатор педиатрия, неонатология)
101.	Даминов Т.О.	Юқумли касалликлар
102.	Вонсов А.Ш.	Тери-таносил касалликлари, ОИТС
103.	Маджидова Е.Н.	Асаб касаллари
104.	Ходжибеков М.Х.	Нур диагностикаси ва терапияси
105.	Абдуллаев Ш.Ю.	Жаррохлик стоматологияси (йўналишлари билан)
106.	Бекжанова О.Е.	Терапевтик стоматология (йўналишлари билан)
107.	Мухамедханова Ш.Т.	Хамиралик иши (йўналишлари билан)

Изоҳ: * - Мувофиқлаштирувчи Кенгаш аъзоларидан бири бошқа ишга ўтган ҳолда давлатимиз буйича тайинланган шахс ушбу таркибга киритилмади. Зарурат буйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркибига Ассоциациялар раҳбарлари ва тиббий соҳасидаги нодавлат ва ношароит ташкилотлари раҳбарлари ҳам киритилмади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малака ошириш тартиби

Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт, фармацевтика ходимлари (кейинги ўринда – тиббиёт ходимлари) малакасини ошириш мутахассиснинг касб даражаси ва касб лаёқатини мунтазам равишда ошириш, касбий билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ва янгилаш, янги тиббиёт технологияларини ўзлаштиришга йўналтирилган.

Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш жараёни ўқув режанинг янгиланган намунаси тузилмаси асосида ишлаб чиқилган махсус дастурлар бўйича муассаса буйруғига асосан ишдан ажралган, ажралмаган ва қисман ажралган ҳолда амалга оширилади, асосий иш жойида эгаллаб турган лавозими ва ўртача иш ҳақи ўқиш даврида сақланиб қолади. Ишдан қисман ажралган ҳолда малака ошириш тиббиёт ходимининг тўлиқ бўлмаган иш куни ҳисобидан амалга оширилади.

Тиббиёт ходимларининг дастлабки билим даражасини аниқлаш ва уларни тингловчилар сафига киритиш учун кириш синовлари, ўқиш вақтида – жорий, ўқиш якунида – якуний назорат ўтказилади;

Нazorat тест синовлари, суҳбат, симуляцион тренажерлар, муляжлар, фантомларда ишлаш, шунингдек малака ошириш цикли ўқитувчисининг назорати остида беморлар билан ишлаш шаклида амалга оширилади. Якуний аттестация нақли малака ошириш муассасаси томонидан белгиланади.

Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш энг кам ҳажми жами 288 соатни ташкил қилади, жумладан: 144 соат – умумий малака ошириш (мутахассисликнинг барча йўналишлари бўйича), энг кам ҳажми 108 соат – мавзули малака ошириш (мутахассисликнинг алоҳида танланган бўлимлари ёки долзарб масалалари бўйича) ва энг кам ҳажми 36 соат – мутахассислик бўйича семинар, конференция, конгресс, сьездларда иштирок этиш ва ҳ.к.

Тиббиёт ходимлари умумий малакасини ошириш цикли (144 соат) соғлиқни сақлаш муассасаларида лавозимни эгаллаб турган мутахассисликка ва таянч олий маълумотга мувофиқ вазирлик томонидан белгиланган малака ошириш муассасаларида ўрнатилган тартибда ҳар беш йилида бир марта ишдан ажралган ҳолда амалга оширилади ва у аттестация олди цикли ҳисобланади.

Таянч олий ўқув юрти сифатида белгиланган Тошкент тиббиёт академияси қошидаги Тармоқ маркази ва БИММа малака ошириш курсларини муваффақиятли якунлаб, сергификатга эга бўлган ва малака тоифасини олиншга даъвогар тиббиёт олийгоҳлари педагоглари учун мазкур 288 соатли профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш курси мутахассислик бўйича 144 соатли умумий малака ошириш циклига тенглаштирилади.

Малака оширишнинг қолган 108 соати 4 йил давомида ҳар йили тегишли йўналишлар бўйича мавзули малака ошириш циклида амалга оширилади.

Мавзули малака ошириш муассасаси тингловчилар томонидан танланади.

Мавзули малака ошириш 18-72 соатли цикллardan иборат бўлиб, бунда олий таълим муассасалари ва республика муассасалари учун етакчи чет эл олимлари ва мутахассислари иштироки шарти билан, малака ошириш жараёнига жалб этилган

вилоят муассасаларида республикадаги таникли олимлар ва мутахассислар шпиротида ўтказилади.

Улар мазмунининг малака ошириш бўйича ўқув материалларига қўйилган талабларга мослиги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан баҳоланиди ва ижобий баҳоланганлари мавзули малака ошириш режасига киригилади.

Мавзули малака ошириш цикллариининг камида 108 соат ҳажми мазкур буйруқ билан тасдиқланган мавзули малака ошириш жараёнига жалб этилган олий таълим муассасалари, республика муассасалари, малака ошириш жараёнига жалб этилган вилоят муассасаларида ўтказилади.

Малака оширишни амалга оширувчи муассасалар томонидан мавзули малака ошириш бўйича тақдим этилган ўқув тадбирлари ва ўқув материалларининг долзарблиги, сифати, ўрнатилган талабларга мослиги пуктаи-назаридан мавзули малака ошириш цикли Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига асосан 36 соатгача бўлган ҳажмида умумий малака ошириш муассасаларида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Республика миқёсидаги тиббиёт ва фармацевтика соҳасида ўтказиладиган барча мавзули малака ошириш жараёнлари Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан амалга оширилади.

Ҳар ўқув йили учун режалаштирилган мавзули циклар рўйхати ва календар-тематик режаси Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасидан ўтгандан сўнг мавзули малака ошириш муассасалари томонидан ҳар йилнинг август ойига қадар эълон қилинади.

Мавзули малака ошириш цикллариини муваффақиятли ўтган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Малака оширишнинг қолган 36 соат ҳажми мутахассислик бўйича республика ва халқаро миқёсдаги семинар, конференция, конгресс, съездларда қатнашиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган сертификатлар тақдим этилган ҳолда ҳисобга олинади.

Тингловчининг асосий иш жойидаги буйруғи ва вазирликнинг руҳсати билан ҳорижий давлатлардаги юқори технологик марказларда амалга оширилган чет эллик мавзули малака ошириш ва стажировкалар тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган ҳолда жорий йилда бир мартаба мавзули цикллариининг 36 соатгача бўлган миқдорини қоплайди (семинар, конференция, конгресс ва съездлар мавзули малака ошириш сифатида инобатга олинмайди);


Умумий ва мавзули малака ошириш гуруҳларидаги тингловчилар сони жарроҳлик гуруҳлари учун 4-6 курсант, қолган йўналишлар учун 8-10 курсантдан иборат қилиб белгиланади.

Мазкур тартиб соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат ва подавлат олий тиббиёт ва фармацевтик ходимлари, шу жумладан хусусий, бошқа вазирлик ва идоралар қишидаги даволаш-профилактика муассасалар ходимлари учун зарурий деб белгиланади.

Ҳар беш йилда юқорида тақсимланган тузилма бўйича малака оширишнинг барча шаклларидаан ўтмаганлар навбатдаги аттестация ва малака тоифасини олиш учун аттестацияга киритилмайди.

10. Кенгаш қарорлари очик овоз билан қабул қилинади.
11. Кенгаш қарори баённома билан расмийлаштирилади ва у Кенгаш раиси ҳамда маъсул котиб томонидан имзоланади.
12. Қўйилган масалаларни амалга ошириш учун Кенгаш ишчи гуруҳ ва хайъатлар ташкил қилиши мумкин, уларнинг таркиби Кенгаш қарори билан тасдиқланади.
13. Қўриладиган масалалар бўйича ишчи гуруҳ ва хайъат хулосалари тавсия ва иш характерига эга.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилмаси



**Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика
ҳодимларининг малакасини ошириш муассасалари рўйхати**

1.1. Аггестация олдди циклар бўйича малака ошириш муассасалари ва бўлинмалари:

- Тошкент врачлар малакасини ошириш институти – базавий услубий марказ
- Тошкент фармацевтика институтининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети – базавий услубий марказ
- Тошкент Давлат стоматология Институтининг стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўлими
- Андижон Давлат тиббиёт институтининг малака ошириш факультети
- Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг малака ошириш факультети.

1.2. Мавзули малака ошириш жараёнига жалб этилган республика муассасалари*:

- Тошкент тиббиёт академияси
- Тошкент педиатрия тиббиёт институти
- Бухоро Давлат тиббиёт институти
- Андижон Давлат тиббиёт институти
- Самарқанд Давлат тиббиёт институти
- Тошкент давлат стоматология институти
- Тошкент врачлар малакасини ошириш институти
- Акад. В.Воҳидов номи Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази АЖ
- Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази АЖ
- Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази
- Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази АЖ
- Республика ихтисослаштирилган Қўз микрохирургия маркази АЖ
- Республика ихтисослаштирилган Терапия ва реабилитология илмий-амалий тиббиёт маркази АЖ
- Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази
- Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази.
- Республика ихтисослаштирилган Дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази
- Республика Онкология маркази
- Республика нейрохирургия илмий маркази
- Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази
- Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти
- Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти
- Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти

Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти
Илмий-таълимий текшириш институти
Республика ихтисослаштирилган марказлар филиаллари
Наси номидан тиббий паразитология ИТИ
Тиббий суд экспертиза бюроси
Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази
Саломатлик ва тиббий статистика институти
ОИТС Республика маркази
ОИИ инфекцияси билан яшовчи шахсларни даволаш, парварни қилиш ва қўйлаб
қувилган масалалари бўйича Марказий Осиё ўқув маркази
Миллий олимпия қўмитаси қошидаги "Республика спорт тиббиёти илмий-амалий
маркази"
Саломатлик –3" лойиҳаси бўйича ўқув врачлар маркази
Республика ўта хавфли юқумли касалликлар билан курашиш маркази
Республика патанатомия маркази
Республика скрининг маркази
Ўқув жараёни талабларига жавоб берадиган оилавий ва туман марказий
поликлиникалари
Дорн-дармон давлат акционерлик жамияти
Тиббиёт соҳасидаги нодавлат ва ноғижорат таъшиқотлар.

1.3 Малака ошириш жараёнларига жалб этилган вилоят муассасалари:

Ихтисослаштирилган, илмий-амалий марказлар ва илмий-таълимий
институтларнинг филиаллари
РИТҒЕИМ вилоят филиаллари
- Республика скрининг маркази вилоят филиаллари
- Вилоят кўп тармокли тиббиёт марказлари
- Вилоят кўп тармокли болалар тиббиёт марказлари
- Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари
- Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиаллари

Изоҳ: - Малака оширишни амалга оширувчи муассасалар томонидан мавзули малака
ошириш бўйича тақдим этилган ўқув тадбирлари ва ўқув материалларнинг долзарблиги,
сифати, ўрнатилган талабларга мослиги нукта-назаридан мавзули малака ошириш цикли
Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига асосан 36 соатгача бўлган ҳажмда умумий малака
ошириш муассасарида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш муассасалари вазифалари

1. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (ТошВМОИ) - олий тиббиёт ходимлари малакасини ошириш тизимининг базавий услубий маркази:

халқаро стандартларга мувофиқ касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илмий-методологик базаси такомиллаштирилишини таъминлаш;

тиббиёт соҳасида давлат таълим талаблари, ўқув режалари ва дастурларини янгилаш, улар асосида дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва барча малака ошириш муассасаларида тadbик этилишини таъминлаш ва назоратини олиб бориш;

республика миқёсида малака ошириш жараёнига жалб этилган муассасалар гомонидан мақсадли цикллار учун ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурларни ҳамда яратилган ўқув-методик қўлланмаларни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.

2. Тошкент Фармацевтика тиббиёт институти (ТошФарТИ) - фармацевтика кадрлар малакасини ошириш тизимининг базавий услубий маркази:

соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, республика даволаш-профилактика муассасалари, хусусий дорихона муассасалари, фармацевтика ишлаб чиқарувчиларининг буюртманомалари асосида контингентнинг истиқболли режасини белгилаш, курсларни ўтказиш режасини тузиш, уларни ўтказиш жойи, малака ошириш тури ва шакллари аниқлаш, халқаро стандартларга мувофиқ ўқув режалари ва таълим дастурларини янгилаш, тadbик этилишини таъминлаш ва назоратини олиб бориш.

3. Тошкент Давлат стоматология институти (ТДСИ):

стоматология соҳасидаги тиббиёт мутахассисларини малакасини оширишни ташкил этиш;

халқаро стандартларга мувофиқ стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илмий-методологик базаси такомиллаштирилишини таъминлаш;

стоматология соҳасида давлат таълим талаблари, ўқув режалари ва дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш, барча стоматология бўйича малака ошириш муассасаларида тadbик этилишини таъминлаш, назоратини олиб бориш;

стоматолог-врачларни малакасини оширишни ташкил этиш.

4. Мавзули малака ошириш жараёнига жалб этилган республика муассасалари, малака ошириш жараёнига жалб этилган вилоят муассасалари қошида ташкил этилган юнмий фаолият кўрсатувчи Марказлар:

соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар, олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш бўйича тегишли цикллари ташкил этиш.

ушбу цикллarda ўқиш жараёнини сифат жиҳатдан юкори ташкилий ва малакали даражада ўтказиш учун зарур ўқув-услубий, клиник ва моддий-техник базасини шакллантириш;

малака ошириш циклларига соғлиқни сақлаш тизимидаги етакчи мутахассислар, тиббиёт О'ТМлари етук профессор-ўқитувчилари, докторлик диссертацияларини химоя қилиш бўйича Илмий кенгаш аъзолари, шунингдек, юкори

... вақтида оқибатдаги мутахассисларни шартнома асосида ўқув жараёнига кенг жалб қилиш.

Маънавий ошириш иншоатлари бошқа янаш жойидан келган тингловчиларга қўйиб бериш шартини ҳамда турар жой билан таъминлаш чораларини кўриш.

Оширишни сақлаш муассасалари раҳбарлари, олий тиббиёт ва фармацевтика муассасаларининг маънавий ошириш муассасалари қошида: кутубхона, амалий таълим марказлари маълум хоналарини ташкил қилиш, замонавий лаборатория ва оқибатдаги симуляцион ўқитишни таъминловчи техник воситалар билан таъминлаш:

тиббиёт муассасаларида: юқори сифатли замонавий ахборот манбааларига оқибатдаги таълим олишнинг, Интернет, электрон кубухоналарга кириш учун шартин яратиш.

Барча таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш, дунёдаги етакчи таълим марказлари, маънавий ошириш марказлари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир таълим модули бўйича модуль тизимидаги таълим дастурларини яратиш;

маънавий ошириш жараёнига инновацион таълим технологиялари (клиник таълимнинг моделиштириш, тренажерлар, ўргатувчи компьютер дастурлари, таълимнинг таълим ва ҳок.) ни жорий этиш;

мутахассислик бўйича юқори сифатли материаллар (қўлланмалар, клиник таълимнинг протоколлар), электрон таълим материаллари, назорат учун тест таълимлари, таълимни масалаларга, ва х.к. ишлаб чиқиш);

мутахассислик бўйича симуляцион ўқитиш, эгалланган билим ва кўникмаларни таълимнинг баҳолаш имконини берувчи стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

бу мутахассислик доирасида тиббиёт олий таълим муассасаларининг турдош софалари шу мутахассислик бўйича ИТИ, марказларнинг етакчи ходимлари, бош таълимчилар билан келишган ҳолда мутахассислик доирасида маънавий ошириш таълимни мувофиқлаштириш, ягоналаштириш бўйича донмий равишда мувофиқлаштирувчи кенгашга таклифлар киритиш ва амалда тадбиқ этиш.